

Покистон фоизсиз банк тизимига ўтмоқчи



15:13 / 28.11.2018 2998

Покистон Дин ишлари раҳбари Ислоний банк тизмида фоиз олишнинг мумкин эмаслигини маълум қилиб, Покистон банкларида ҳам худди шундай тартибда фаолият йўлга қўйилишини эътироф этган. Бу ҳақда IQNA хабар беради.

Хабарда айтилишича, Дин ишлари раҳбари Нуруллоҳ Қодирий: “Мадина ал-Наби”дек ислом диёрига эга бўлишни хоҳлайдиган бўлсак, банк тизимимиздан фоизни олиб ташлашимиз керак. Бу биринчи муҳим қадам бўлади. Бу борада жиддий муҳокамлар ўтказдик ва банк тизимидан фоизларни тўлиқ йўқотиш борасида стратегияларимизни аниқлаб олдик”, дея фикр билдирган.

Бундан ташқари, Покистон Дин ишлари раҳбари “Ислоний адолат кенгаши” қонунига мувофиқ, бу борада амалга ошириладиган вазифалар

Қуръони карим ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига зид бўлмаслигини таъкидлаган.

Islom.uz портали таҳририяти